

Шавкат Мирзиёев – Ўзбекистоннинг сайланган Президенти



5 декабрь куни пойтахтимизда Тадбиркорлар ва ишбилиармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Президент сайловининг дастлабки натижаларига багишлиган тадбири бўлиб ўтди.

Тадбирда ЎзЛиДеП фаоллари, тадбиркорлар ва ишбилиармонлар, турли соҳа вакиллари, санъат ва маданият намояндадари, кенг жамоатчилик иштирок этди.

Йиғилганлар Президент сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказига онлайн тарзида боғланиб, сайловнинг дастлабки натижаларини кузатиб борди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг дастлабки натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Шавкат Миромонович Мирзиёев 15 миллион 906 минг 724 овоз, яъни сайловда иштирок этган сайловчилар умумий сонининг 88,61 фоиз овози билан ғалаба қозонгани ҳақидаги хабар йиғилганлар томонидан гулдурос қарсаклар билан кутиб олинди.

Шавкат Мирзиёев тадбирда сўзга чиқиб, ўзига билдирилган юксак ишонч учун бутун халқимизга миннатдорлик билдири. Биринчи Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ўтган 25 йилда мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида бекиёс ўзгаришлар амалга оширилгани, миллий давлатчилигимизнинг мустаҳкам асослари яратилиб, демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти шакллантирилгани, бозор иқтисодиёти тамойиллари ривожлантирилганини таъкидлади. Бундай кенг кўламли ишларни изчил давом эттириш барчамизнинг, бутун халқимизнинг энг асосий мақсади, бурчидир. Зоро, Ватан равнақи, юрт келажаги, халқ фаровонлиги мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бош гоясидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини кузатиб борган бешта халқаро ташкилот – Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Мустақил давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси ва Ислом ҳамкорлик ташкилотидан, 46 давлатдан келган 600 га яқин кузатувчиларга ҳам самимий миннатдорлик билдири.

Сайловда халқимиз мамлакатимиздаги тинчлик ва осойишталик барқарор бўлиши, халқимизнинг турмуш фаровонлиги янада юксалиши, давлатимизнинг халқаро миқёсдаги нуфузини мустаҳкамлаш, ривожланган давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаши учун овоз берди. Ҳар бир сайловчи ўз оиласи, фарзандлари баҳту камоли, ёргу келажаги учун

овоз берди.



Энг муҳими, халқимиз ушбу сайлов орқали дунё ҳамжамияти олдида жуда муҳим, масъулиятли синовдан муваффақиятли ўтди. Биринчи Президентимиз илгари сурган ғояларга содиқлигини, ўзаро аҳил, ҳамжиҳатлигини, Ватан тақдиди, халқимиз келажаги учун бефарқ эмаслигини, улуғ мақсадлар йўлида яқдиллик билан ҳаракат қилишини ва улкан натижаларга эриша олишини яна бир бор намоён қилди. Буни дунёning турли минтақаларидан, нуфузли халқаро ташкилотлардан келган кузатувчилар ҳам эътироф этди.

Видеоконференцалоқа шаклида ўтган тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларидан кўп минг сонли одамлар иштирок этди.

Тадбирда Ватан, мустақиллик, баҳт ҳақидаги қўшиқлар янгради.

ЎзА